

Ёлфоннинг сассиғидан фаришта қочади



16:09 / 08.12.2018 2528

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Агар банда ёлфон гапирса, у қилган нарсанинг сассиғидан фаришта ундан бир мил нарига узоқлашади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бу қанчалик даҳшат-а? Бу дунёда бандани қўриқлаб туриш учун бириктирилган фаришта ҳам унинг ёлфони сассиғидан ҳазар қилиб, ундан қочар экан. Фариштаси ўзидан қочган одам ким деган одам бўлади?! Халқ ичидаги «Фалончининг фариштаси йўқ», деган қабилдаги гап бежиз эмас. Шунинг учун ҳам зинҳор ва зинҳор ёлфон гапирмаслик лозим.

“Ёлфон” китобидан